ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz ORIF@INFONET.UZ

1992-yil martdan chiqa boshlagan | 2004-yil, 4-iyun, 23(612)-son | Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

**√ 1 июн куни халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Тошмирзо Қодиров вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.**

**Президентимизнинг тавсиясига биноан Денов тумани ҳокими лавозимида ишлаб келган Абдулҳаким Эшмуратов вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.**

√ Республикамиз Президенти "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти (МОҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг 28 май куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлган саммитида иштирок этди.

**√ Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.**

√ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлари ўртасидаги техникавий ҳамкорлик ҳақида "Репродуктив саломатлик тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳаси бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

**√ Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида наркотик моддаларни назорат қилиш ва ҳуқуқни қўллашга кўмаклашиш тўғрисида 2001 йил, 14 августда тузилган битимга киритилган тузатишларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.**

√ Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га аъзо давлатлар иқтисодиёт ва савдо вазирларининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Россия, Қирғизистон ва Тожикистон иқтисодиёт ва савдо вазирлари раҳбарлигидаги делегациялар иштирок этди.

**√ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юристлар малакасини ошириш марказида судьялар мустақиллигига бағишланган семинар ўтказилди. Унда жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича судьялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.**

# ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Агентлик Бош директори А.АРИПОВ бошқарди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди.***

***"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясини хусусийлаштириш бўйича дастурни бажариш режаси"нинг бориши ҳақида компания бош директори Ҳ.МУҲИТДИНОВ маъруза қилди.***





**Маърузачи** "Ўзбектелеком" АКни хусусийлаштиришга тайёрлаш жараёнида 2002 йил, 5 август куни "Ўзбектелеком" АКнинг тақдимоти, 7-8 августда эса "Давра суҳбати" ўтказилгани, унда компаниянинг қайта ташкил этилиши, молиявий фаолияти ва бошқа масалалар бўйича батафсил тушунтиришлар берилгани, Осиё тараққиёт банки томонидан "Ўзбектелеком" информацион бошқаруви тизимини яратишга техник кўмаклашиш учун 400 минг АҚШ доллари ажратилгани, ўтган йилдан эътиборан бу лойиҳани амалга ошириш ишлари бошлаб юборилгани, шу билан бирга, компаниянинг ўз маблағлари ҳисобига халқаро стандартларга мос молиявий кўрсаткичлар бўйича аудит ишлари амалга оширилаётгани ва бошқа масалалар хусусида маълумот берди.

"Келгусида тариф сиёсатини такомиллаштириш масаласи тўғрисида" Агентлик иқтисодий истиқболни белгилаш, таҳлил ва тарифлар бўлими бошлиғи **В.Тарасенко** маърузаси тинглангди. Маърузада таъкидланганидек, кейинги тўрт йилда Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари, айниқса, телекоммуникациялар соҳасида фаол ривожланганига қарамай почта ва телекоммуникация корхоналари монопол хизматларига нарх белгилаш тартибида ўзгаришлар юз бермади. Монополист корхона маҳсулотига нарх белгилашнинг амалдаги тартиблари ва уларни қўллашни назорат қилишда қатор камчиликлар мавжуд. Бу масалалар Агентлик ҳайъат мажлисларида ҳам кўриб чиқилганди.

Хизматларга алоҳида тарифларни белгилаш тартиби, яъни тартибга солинадиган тарифлар ва шартнома нархлари бўйича турли хил хизматлар, чунончи, универсал, алоҳида ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланадиган нархлар бўйича кўрсатиладиган хизматларга харажатларни алоҳида ҳисобга олиш тўғрисидаги масала вужудга келди.

Ўзаро уланиш тарифларининг даражаси ва таркиби операторларнинг рақобат бозоридаги ҳаётийлигининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Бунда бошқарувчи холис бўлиши, яъни бир томондан рақобатни чекламаслиги ва бошқа тарафдан универсал хизматлар тақдим қилинишини таъминловчи асос оператор ишига барҳам бермаслиги керак.

Агентлик Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонуни асосида ўтган йили июл ойидан бошлаб тармоқлараро уланишнинг бошқариладиган тарифлари рўйхатини изчил кенгайтиришга киришди. Шу билан бир қаторда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази "Тармоқлараро уланишда телекоммуникация тармоқларининг ўзаро уланиш тўғрисида"ги низомни ишлаб чиқди.

Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи **Ш.Обидхўжаев** маърузаси "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг бажарилиши тўғрисида" бўлди. Маърузада айтилишича, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳозиргача 616та меъёрий ҳужжат амал қилмоқда. Агентлик томонидан ҳар йили соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қайта ишлаб чиқиш ва уларнинг мониторинги ҳамда илмий-техник ва маркетинг тадқиқотларини ўтказишга мақсадли пул маблағлари ажратиб келинмоқда.

ТАТУ ҳамда Агентлик ўртасида илмий-техник ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун 2002-2004 йилларга умумий ҳажми 76,2 млн. сўмлик шартномалар тузилган.

2003 йили ва жорий йилнинг тўрт ойида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида 112та меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган ва амалга киритилган.

Ўтган йили 38та меъёрий ҳужжатнинг мониторингини ўтказиш (30таси телекоммуникациялар, 8таси эса почта алоқаси бўйича) режалаштирилган эди. Амалда 15та меъёрий ҳужжат мониторинги ўтказилди. Мониторинг натижалари юзасидан 5та меъёрий ҳужжатларни бекор қилиш, 8тасини қайта кўриб чиқиш ва 2тасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритилган далолатнома тузилиб, расмийлаштирилган.

Жорий йилда Агентлик қарори билан амалдаги ҳужжатлар мониторингини ўтказиш бўйича бажарувчи корхоналарни белгилаш танлов асосида ташкил этилди. Маърузада яна кўпгина масалалар тилга олинди. Шундан сўнг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори **Р.Исаев**, "O'zaloqaKonsalting" ёпиқ акциядорлик жамияти директори **Т.Бикметов,** Тошкент ахборот технологиялари университети ректори **С.Қосимов**лар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**И.АҲМЕДОВ**

# ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ: ЖАМИЯТНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ САРИ

***Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг тобора ривожланиб бориши аҳолига кенг имкониятлар яратмоқда. Бироқ бу имкониятлардан ҳозирда тўлиқ фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Сабаби — биз билмаган ва ўрганишимиз лозим бўлган масалалар ҳали талайгина. Шу йилнинг 27-28 май кунлари пойтахтимиздаги Dedeman Silk Road меҳмонхонасида ўтказилган "Электрон ҳукумат: Ахборот жамияти сари ривожланиш йўлида" мавзусидаги Халқаро конференция шу масалалар муҳокамасига бағишланди.***

(Давоми 2-бетда.)

# ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ: ЖАМИЯТНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ САРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

**Ҳозирда** ривожланган мамлакатларда Электрон ҳукумат масалаларига тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу бежиз эмас. Интернет ва бошқа ахборот тармоқлари орқали давлат бошқаруви ҳамда фуқаролар ўртасидаги алоқани ташкил этиш ҳар томонлама қулайликларга эга. Ахборот ва молиявий оқимларни узатиш жараёнларининг қисқа вақт оралиғида рўй бериши, сарф-харажатларнинг камайиши ва кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишини бунга мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Электрон ҳукумат масалаларининг яна муҳим жиҳатларидан бири шундаки, фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш жараёни осонлашади. Яъни аҳоли Интернет тармоғи орқали солиқ тўлаши, зарур маълумотлар олиши, шартномалар имзолаши, лицензия ва ижтимоий имтиёзларни расмийлаштириши, ташкилот ва автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериши, ҳатто сайловларда овоз бериши ҳам мумкин. Асосийси, бунда барча жараёнлар амалдорларнинг иштирокисиз ўтади.



Бевосита конференция ишига тўхталадиган бўлсак, уни ўтказишдан асосий мақсад жаҳон тажрибалари ва Ўзбекистонда Электрон ҳукуматнинг ривожланиш истиқболлари билан танишишдан иборат. Анжуман Компютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари бўйича қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт Дастурининг "Рақамли Ривожланиш Ташаббуси" ва "UzInfoCom" маркази томонидан ташкил этилди.



Конференцияда АҚШ, Германия, Испания, Россия, Афғонистон, Қозоғистон каби давлатлардан 250дан ортиқ делегат ҳамда қатор халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз ва хориж компаниялари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.АРИПОВ кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларга муваффақиятлар тилади. Пленар йиғилишда Электрон ҳукумат ривожланишининг аҳволи, қонунчилиги ва истиқболлари, Ўзбекистонда Электрон ҳукумат ривожланишининг концепцияси лойиҳаси кўриб чиқилди.

Тадбир давомида сессиялар учта – Электрон ҳукуматнинг "Давлат – давлатга", "Давлат – бизнесга" ва "Давлат – аҳолига" йўналишларида олиб борилди. Биринчи сессияда Электрон ҳукумат инфратузилмаси ривожланиши, ҳукуматнинг электрон ҳужжат алмашуви тизими, ахборот хавфсизлиги масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро тажрибаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. IT, SAP, Detecon ҳамда NCI Project компаниялари ҳукуматнинг янги кўриниши учун ўзига хос таклифларини тақдим этди.

Иккинчи куни навбатдаги сессиялар ўз ишини давом эттирди. Ушбу йўналишларда халқаро тажрибалар, Электрон ҳукуматда электрон рақамли имзо, электрон тўловлар, АКТ соҳасида стандартлаштириш ва молиялаштириш масалалари бўйича хорижлик ва маҳаллий мутахассислар маърузалари тингланди. Хусусан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси, электрон солиқ декларациялари тизими, Gov.uz портали истиқболлари, мамлакатда телетиббиётнинг аҳволи мавзуларида мунозаралар бўлиб ўтди.

Анжуман якунида Ўзбекистон Республикасида Электрон ҳукумат Концепцияси лойиҳасини янада мукаммаллаштириш бўйича таклифлар қабул қилинди.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда Электрон ҳукуматни ривожлантириш ва жорий этишга бағишланган ушбу биринчи халқаро конференция олдига қўйган мақсадига эришди. Буни унда иштирок этган мутахассислар ҳам тасдиқлашди. Тўғри, олдинда қилиниши лозим бўлган вазифалар кўп. Энг асосийси, белгиланган мақсадларни амалга ошириш йўлида дадил қадам ташланди. Уни ниҳоясига етказиш учун эса барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, яқинда қабул қилинган "Электрон рақамли имзо", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунлар масалани ечишда асосий таянч вазифасини ўтайди.

**Лутфилло ТУРСУНОВ**

**С.НАСЛЕДОВ олган суратлар.**

***Бугунги кунда республикамизнинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига дадиллик билан кириб бораётганини ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз. Дарҳақиқат, ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатимизда ўз ўрни ва мавқеини тобора мустаҳкамламоқда. Айниқса, кейинги икки йил ичида нафақат пойтахтимизда, балки барча вилоятларда кўплаб Интернет-кафе ва компютер клубларининг иш бошлаганлиги ҳам фикримиз далилидир.***

# ҒОЛИБЛАРНИ САН-ФРАНЦИСКО КУТАДИ

**Эндиликда** ҳар бир киши мавжуд компютерлар ёрдамида Интернет тармоғига кириши ёки энг оммавий компютер ўйинлари билан банд бўлиши мумкин. Бу ўсиб келаётган ёш авлод учун ҳам катта аҳамиятга эга.




Ўзбекистоннинг ахборот-компютер технологияларини ривожлантириш борасидаги ютуқлари, аниқроғи, бу муҳим ишга қўшаётган ҳиссаси Умумжаҳон компютер ўйинлари ташкилий қўмитаси томонидан муносиб равишда эътироф этилганлиги боис, мамлакатимиз вакиллари World Cyber Games-2004 (WCG-2004) ўйинларида иштирок этишга таклиф этилдилар. Мазкур йилдан бошлаб Ватанимиз геймерлари WCG саралаш турнирларида иштирок этадилар. Миллий чемпионат ғолиблари эса WCG Умумжаҳон финалида қатнашиш учун Сан-Франциско (АҚШ)га йўл олишади. Бу ерда улар бутун дунёдан тўпланган миллий терма жамоалар қаторида Бутунжаҳон компютер ўйинлари мусобақаси бош совринлари учун кураш олиб борадилар.

Бу йилги World Cyber Games-2004 Uzbekistan Preliminary компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати нафақат оддий чемпионат, балки WCG-2004нинг саралаш турнири ҳам ҳисобланади. Ушбу турнир шу йилнинг май-июл ойларида 3 босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда минтақавий саралаш баҳслари, иккинчи босқичда миллий чемпионат финали, учинчи босқичда эса Ўзбекистон терма жамоасининг Grand Final WCG-2004 умумжаҳон финал ўйинларида иштироки таъминланади.

Чемпионатнинг минтақавий саралаш турнирлари мамлакатимизнинг 5та шаҳрида, яъни Бухоро, Наманган, Самарқанд, Тошкент ва Фарғонада бўлиб ўтади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, саралаш ўйинларида Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистондан жами 2000 нафардан ортиқ геймерларнинг қатнашишлари кутилмоқда. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фақат 9 нафар Ўзбекистон чемпионигина Сан-Францискога йўлланма олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу йилнинг 29-30 май кунлари Бухоро шаҳрида илк минтақавий саралаш турнири ўтказилди. Унда Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистондан келган геймерлар (жами 354 киши) ўз кучларини синаб кўрдилар. Мусобақалар бошланиши олдидан infoCOM.UZ журнали таҳрир ҳайъатининг раиси Александр Сучков, Бухоро шаҳар ҳокимининг ўринбосари Абдураҳмон Ҳамроевлар сўзга чиқиб, компютер ўйинлари қатнашчиларига омад тиладилар. Баҳслар икки кун давом этди.

Умумжамоа ҳисобидаги Counter Strike ўйинларида Бухоро шаҳрининг "War" жамоаси ғалаба қозонди. Тошкент иқтисодиёт университетининг 3-босқич талабаси, навоийлик Ярослав Ҳасанов Star Craft йўналишида ғолиб деб топилди. Бухоролик мактаб ўқувчилари — Игорь Леонтьев Unreal tournament ўйинининг, Сергей Тяпкин эса Need for Speed ўйинининг пешқадамлари сифатида эътироф этилди. War Craft бўйича ғолибликни бухоролик 11 синф ўқувчиси Иззат Ражабов қўлга киритди.

Ғолиблар шу йилнинг 2 июлида Тошкентда ўтказиладиган финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**А.ИСТАМОВ,**
**Бухоро шаҳри**

# ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

**30 май куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да баҳор мавсумида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.**



**Юқори** савия ва байрамона руҳ остида ўтган тадбирда бошқарма шахсий таркиби, аскарларнинг ота-оналари ва яқинлари иштирок этишди.

Маросим сўнгида ҳарбий қисм раҳбарияти ва аскарларнинг ота-оналари ўртасида ёш аскарларнинг келгуси фаолиятига доир суҳбат ўтказилди. Шундан кейин тантана иштирокчилари байрам дастурхонига таклиф этилди.

**Ўз мухбиримиз**

## Кичкинтойлар даврасида

**Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида** "Бухоро Телеком" филиали касаба уюшмаси қўмитаси саъй-ҳаракати билан 3 ёшдан 13 ёшгача бўлган кичкинтойлар иштирокида ўзига хос тадбир ўтказилди. Унда ўғил-қизлар ўз шеър ва қўшиқларида бахтли болаликни тараннум этдилар, шўх рақсларга тушдилар. Шунингдек, улар асфалтда расм чизиш, тўпни белгиланган манзилга биринчи етказиш, атроф-муҳитга бўлган ўз дунёқарашларини қоғозга тушириш сингари баҳсларда билим ва маҳоратларини намойиш этишди.

Тадбирда ота-оналардан О.Шукруллаева, М.Холбоева, М.Темирова ва бошқалар сўзга чиқиб, тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирдилар.

Кичкинтойларга тарқатилган эсдалик совғалари эса уларнинг қувончига қувонч қўшди.

**Жамоатчи мухбиримиз**

***Кейинги йилларда “Қашқадарё Телеком” филиалида ишлаб чиқилган махсус дастур асосида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Филиал директори Самад КАРИМОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.***

# БУРЧИМИЗНИ УНУТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

**— Самад Қодирович, айтингчи, сиз бошқараётган жамоа республикамиз мустақиллигининг 13 йиллик байрамини қандай ютуқлар билан кутиб олмоқчи?**

— Шу кунларда жамоамиз аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, жумладан, Чироқчи — Шаҳрисабз оралиғида 16 потокли РРЛ ускунасини ўрнатиш борасида иш олиб боряпти. Чироқчида 2048 рақамли "Алкател" концентраторини ишга тушириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Косон туманида эса саккиз километр масофага оптик толали кабел ёткизиб, мазкур боғламада ҳам рақамли алоқалар тизимини жорий этишни режалаштирганмиз. Агар ушбу телекоммуникациялар боғламаларида ишлар кўнгилдагидек амалга ошса, байрамни ёруғ юз билан кутиб олган бўламиз.



**— Жорий йилда филиалда қандай ўзгаришлар бўлди?**

— Хабарингиз бор, яқинда Қарши шаҳрида вилоят туманларини бир-бирига боғлаш, бошқа шаҳарлар билан алоқа ўрнатиш учун JBIC лойиҳаси бўйича 2280 рақамли замонавий электрон автоматик халқаро ва шаҳарлараро станция ишга туширилди. Ушбу станция лойиҳаси уч қисмдан иборат бўлиб, шаҳарлараро каналларни улагич ускуналар Хитойнинг "Хуавей" компанияси мутахассислари томонидан ўрнатилган ва тест ишлари аъло даражада бажарилган бўлса, туманлар йўналишига мўлжалланган ускуналарни Япониянинг "НЕК" компанияси мутахассислари ишга туширди. Телефончилар ишини компютер орқали амалга оширишни эса Россиянинг "РИНО" фирмаси мутахассислари йўлга қўйишди.

Станциянинг иш бошлаши ҳақиқий байрамга айланиб кетди, десам муболаға бўлмайди. Ушбу қувончли кун алоқачиларимиз хотирасидан чин маънода унутилмас воқеа сифатида ўрин олади. Эндиликда, бемалол айтиш мумкинки, барча туманлардаги мижозлар шаҳарлараро автоматик алоқа билан тўлиқ таъминланди. Ғузор, Касби, Косон, Муборак туманларида марказий АТСлар жорий таъмирдан чиқарилди. Қилинадиган ишлар кўп, амалга оширилганлари эса денгиздан бир томчи, холос.

**— Ечимини кутаётган қандай муаммолар бор?**

— Иш бор жойда камчилик бўлади. Бу изоҳ талаб қилмайдиган ҳақиқат. Имкон қадар камчиликларни тугатишга ҳаракат қиляпмиз. Ишда ўзгариш ясаш, аҳолига сидқидилдан хизмат кўрсатиш бурчимиз эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Шуни ҳам айтиш жоизки, сифатли алоқа хизмати кўрсатиш учун ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган рақамли коммутацион тизимлар керак бўлади. Вилоятимиздаги 13та туманнинг тўрттасида рақамли, учтасида квази-электрон (квант) АТСлар бор. Қолган олти туманда эса координат АТСлар 30-35 йилдан бери ишлатилиб келинмоқда. Бу АТСлар анча эскирган. Уларни алмаштириш чораларини кўряпмиз. Эскирган ускуналар ўрнига замонавийлари ўрнатилгач, оз бўлсада, муаммолар ечимини топади.

**— Мижозлардан тушган шикоят ва аризаларни, уларнинг талабларини ўрганиш қандай кечяпти?**

— Мижозларнинг ариза ва шикоятлари ишимизнинг бўш томонларини тўғри ташкил этишда туртки бўлади, деб ўйлайман. Шикоятлар билан ишлашнинг шуниси афзал. Лекин арзимас, майда-чуйда муаммоларни гуруҳбозликка айлантиришнинг иш унумига, соғлом муҳитга таъсири жуда катта. Ишдаги камчиликларни тугатиш борасидаги шикоятларни эса тўғри тушунса бўлади...

Бизга ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилувчилар анчагина. Аризалар билан ишлаш доимий иш режамизга киритилган. Ҳар бир шикоят ёки ариза меъёрий ҳужжатлар асосида ўрганилади ва эгасига жўяли жавоб берилади. Келаётган шикоятларнинг аксарияти телекоммуникациялар хизматлари бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги хусусидадир. Иложи борича шикоятчилар талабини қондиришга ҳаракат қиляпмиз. Тушунтириш ишлари, ўзаро суҳбатлар ижобий натижа бермоқда.

**— “Меҳр ва мурувват йили”-да ходимларнинг саломатлигини яхшилаш, дам олишларини ташкил этиш ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қандай тадбирлар амалга ошириляпти?**

— “Ўзбектелеком” АКнинг махсус кўрсатмаси асосида 2004 йил учун иш режалари туздик. Шу режалар асосида бир неча савобли ишларни амалга оширдик. Кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, боқувчисини йўқотганлар ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш шулар жумласидандир.

Ўтган йили беш нафар ходимимиз дам олиш масканларида соғлиқларини тиклаб қайтишди. Бир неча бор саёҳатлар уюштирилиб, қадимий Шаҳрисабзнинг тарихий обидалари билан танишилди, шунингдек, Китоб туманидаги энг сўлим маскан ҳисобланган “Алоқачи” оромгоҳида уч кунлик оилавий дам олиш ташкил этилди. Бундан ташқари, узоқ йиллар алоқа соҳасида ишлаб, эндиликда нафақага чиққан уруш ва меҳнат фахрийларига 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 1 миллион 794 минг сўм пул берилди.

Ишчи-ходимларимизнинг фарзандларини оромгоҳларга жўнатишни ҳам унутганимиз йўқ. Бу йил жами 100 нафар ўғил-қизларни дам олишга юборишни режалаштирганмиз.

**Баҳром МУРОДОВ**
**суҳбатлашди**

ORAMIZDAGI ODAMLAR

# КАСБГА МЕҲР

***Хонадонингизга алоқа ходими газета-журнал олиб келса ёки кимгадир нафақа пулини бериб кетса, “Касби-да”, деб қўя қоласиз. Лекин шу касбнинг-да ўзига яраша қийинчилиги, масъулияти бор. Эрталабдан шомгача хонадонма-хонадон юриб хат-хабар тарқатиш, нафақа улашиш, албатта, осон эмас.***

— Бир неча ойдан бери фарзандини соғинган онага ўғлининг мактубини тутқазиб, унинг юзидаги табассумни кўриб севинаман, — дейди Янгиработ алоқа бўлими ходими Шарофат опа Жабборова. — Ахир, мен ҳам онаман-ку! Гоҳида пулга муҳтож бўлиб қолган хонадонга нафақани олиб борганимда, уларнинг шодлигини кўриб, дилимдан, "Энг яхши касб эгасиман-да", деган туйғу ўтади. Албатта, аёл киши учун бу касб оғирлик қилар, лекин мана, ўттиз беш йилдан буён шу соҳада ишлаб келяпман. Фарзандларимни вояга етказдим, шукур, нолимайман. Олти киши ишлайдиган ҳудудда икки киши ишлаган пайтларимиз ҳам бўлган. Уйга ҳориб-чарчаб зўрға етиб келар эдим. Гоҳида онам раҳматли: “Қизим, шу ишингни қўйсанг-чи", дер эди. Лекин тўй ва маракаларда кимлардир онамга: “Раҳмат қизингга, хат-хабаримизни, нафақамизни вақтида олиб келади, барака топсин", дейишар экан. Шундай пайтларда онам: "Қизим, раҳмат! Сен туфайли элдан миннатдорчилик эшитдим", дея қувонарди.

Шарофат опанинг турмуш ўртоғи Баҳриддин ака алоқа бўлимида оддий хизматчи. Бу аҳил оилада уч ўғил, икки қиз вояга етди.

Ҳадемай, опа ҳам нафақага чиқади, почтачи биринчи нафақа пулини олиб борганида “Касбимни кимдир давом эттиряптику", дея унинг ҳам кўнгли кўтарилар.

Шунча йиллардан буён ўз ишини ҳалол ва сидқидилдан бажариб келаётган Шарофат опа Жабборовага соғлик-саломатлик, узоқ умр тилаган ҳолда, сиздай касбига фидойи инсонлар бор бўлсин! — деймиз.

**Акбар ТОВМУРОДОВ,**
**Навоий вилояти, Хатирчи тумани**



# ALOQA OLAMIDA

## ВЕТНАМЛИКЛАР ИНТЕРНЕТСИЗ ҚОЛИШДИ

**Ветнамлик** Интернет фойдаланувчиларининг кўпчилиги бир неча кун илгари тармоққа уланиш имкониятидан маҳрум бўлишганди. Бунга мамлакатни Гонг-конг ва у орқали Европа ҳамда АҚШ билан боғловчи сув ости кабелининг узилиб кетиши сабаб бўлган.

Мамлакатдаги етакчи провайдерлардан бири — FPT Communications Company мижозлари фалокатдан энг кўп зарар кўришган.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги тарқатган хабарда авария оқибатлари ҳозирда бартараф этилаётгани айтилади. Умуман олганда, бугунги кунда Ветнамда Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 4 млн. кишидан ошади ва уларга турли катталикдаги 16 та провайдер хизмат кўрсатади. Айтиш жоизки, бу ўлкада Интернет давлат томонидан қаттиқ назорат остига олинган.

## ИНГЛИЗЛАР ИНТЕРНЕТНИ АФЗАЛ КЎРИШАДИ

**Visa компанияси** ўтказган тадқиқотлар Интернет орқали ўз харидларини амалга ошираётган британияликлар сони сўнгги йилларда икки баравардан кўпроқ ошганини кўрсатган. Фақат 2004 йилнинг биринчи чорагидаёқ инглизлар Интернет ёрдамида жами 2,4 млрд. фунт стерлинг (4,4 АҚШ доллари) қийматидаги савдо муносабатларига киришишган. Бу 2003 йилнинг худди шу даврига нисбатан 123 фоизга кўп демакдир. Озиқ-овқат ва ичимликлар буюртмаси уч баравар, китоб ва мусиқа савдоси 116 фоизга ўсган.



Бутунжаҳон тармоғи ёрдамида саёҳат уюштириш ва уларнинг тўловини амалга ошириш истеъмолчилар ўртасида оммавийлигини йўқотган эмас — уйидан ёки ишхонасидан чиқмасдан дам олиш таътилини ташкил қилганлар сони йилнинг биринчи чорагида 159 фоизга кўпайган.

## ЛИЦЕНЗИЯ БАҲОСИ — 2 МЛН. ДОЛЛАР

**Молдова ҳукумати** шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизмати кўрсатиш учун якка тартибда бериладиган лицензия қийматини 2 млн. АҚШ доллари қилиб белгилаган. Молдова электралоқа ва информатика соҳасини мувофиқлаштириш миллий агентлиги лицензиялар бериш Комиссияси лицензия бериш тўғрисида қарор чиқарган кундан бошлаб, ушбу маблағлар 30 кун мобайнида миллий валюта — лейда мамлакат Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Янги тўлов қийматларининг белгиланишига сабаб 2004 йил, 1 январдан бошлаб Молдовада электралоқа бозорини тўлиқ либераллаштириш жараёни бошланганидир. Мазкур тўлов қиймати эса Жаҳон савдо уюшмаси меъёрларидан келиб чиқиб белгиланди. Шу ўринда эслатиш ўринлики, 2004 йилнинг 1 январига қадар шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматини фақат миллий оператор — “Молдтелеком” кўрсатиб келган.



## ЯНГИЛИК!

**Nokia компанияси** янги маркадаги мобил телефонини мижозлар эътиборига ҳавола қилди. Фотокамера ўрнатилган янги аппаратга Nokia — 3220 номи берилган. Финлар ўзларининг маҳсулотини Европа, Осиё ва Америка бозорларига чиқаришни июн ойидан бошлашди. Nokia-3220 250 еврога баҳоланмоқда.



НАШИ ЮБИЛЯРЫ

# ПРИЗНАННЫЙ СПЕЦИАЛИСТ И ПРЕПОДАВАТЕЛЬ

***Виктор Николаевич ВАСИЛЬЕВ** работает в ТУИТ с 1966 года. Он был вначале лаборантом, старшим лаборантом, заведующим учебной лаборатории кафедры "Линии связи", а с 1971 года работал ассистентом, старшим преподавателем кафедры "Транспортные сети и линии телекоммуникаций" (бывшая кафедра "Линии связи"). С 2003 года является и.о. доцента и и.о. заведуюшего кафедрой "Транспортные сети и линии телекоммуникаций".*

Он опубликовал более десяти научных статей, выпустил пять учебных пособий и двадцать пять учебно-методических пособий. Им подготовлено большое количество инженеров, бакалавров и магистров по специальностям "Линии связи", "Волоконно – оптические линии связи" и "Транспортные телекоммуникационные сети", у которых он был руководителем дипломных проектов, выпускных квалификационных работ и диссертаций.

Особенно велика роль Васильев В.Н. в университете как ведущего специалиста в области волоконно-оптической линии связи. По его методическим разработкам преподаватели и студенты готовят выпускные работы и методические указания.

За годы работы в университете Виктор Николаевич проявил себя как опытный преподаватель, добрый и умный наставник. Многие выпускники университета и сегодняшние студенты видят в нём знающего свое дело специалиста.

За большие заслуги в области телекоммуникаций ему присвоенно звание "Мастер своего дела".

Коллектив ТУИТ, весь профессорско-преподавательский состав сердечно поздравляет своего коллегу, доцента Виктора Николаевича Васильева, со славным шестидесятилетием и желает ему крепкого здоровья, семейного счастья и больших успехов в деле подготовки высококвалифицированных кадров для отрасли связи.

**С.СИДИКОВ, директор Центрально-Азиатского учебного центра телекоммуникаций, доцент**

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

# Siemens шагает впереди



**Президент** департамента Siemens mobile (Мобильные сети связи и передачи информации), вице-президент представительства Siemens в России (ООО "Сименс") Раймонд Армес на выставке "Связь-Экспокомм-2004" заявил, что его компания заключила с российским оператором "Мобильные ТелеСистемы" (МТС) соглашение о поставках в течение 2004 г. сетевого оборудования для развития региональных сетей МТС в России, Белоруссии и на Украине. Сумма контракта превышает $200 млн.

# 202 млн. человек выбрали стандарт CDMA

**На 13 млн.** увеличилось число пользователей мобильной связи стандарта CDMA2000 за первые три месяца этого года. Из вновь подключенных абонентов 6,6 млн. выбрали разновидность стандарта - 1х EV-DO. По данным на конец марта, в мире насчитывалось всего 86,2 млн. абонентов этого 3G-стандарта, сообщает издание RCR News на основе данных Группы разработчиков CDMA.

**Источник: http://www.cnews.ru**

ИНТЕРНЕТ

# Первый русскоязычный вирус

**В Интернете** появился первый русскоязычный компьютерный вирус под названием Agent. Недавно «Лаборатория Касперского» обнаружила массовую рассылку через Интернет новой вредоносной программы, которая маскируется под обычные графические файлы формата BMP, пишет газета «Русский курьер». Вирус создан специально для атаки русской версии Windows 2000 - на других версиях операционной системы вредоносный код работать не будет. Этот факт косвенно указывает на Россию и страны СНГ как наиболее вероятные места создания «Agent».

**Источник: http://www.polit.ru**

# СП ОАО "TOSHKENT TAKSOFONI"

## Информация о существенных фактах

Номер сообщения-09 – решение общего собрания акционеров.
Годовое общее собрание акционеров проводилось 18 мая 2004 г.
По адресу: г.Ташкент, ул. Амира Тимура-26
Количество акций — 130539. Кворум 90,5 %
Форма проведения ОСА — очное

| №№ п/п | Вопросы повестки дня | за |
|---|---|---|
| 1. | Отчет о результатах финансово-хозяйственной деятельности по итогам 2003 г. | 130539 |
| 2. | Утверждение годового отчета и бух. баланса за 2003г. | 130539 |
| 3. | Распределение прибыли | 130539 |
| 4. | О деятельности Наблюдательного совета в 2003 г. | 130539 |
| 5. | О вознаграждении членам Наблюдательного совета | 130539 |
| 6. | О внесении изменений в Устав СП ОАО «Тошкент Таксофони» | 130539 |
| 7. | Об утверждении Генерального директора на 2004 г. | 130539 |
| 8. | Утверждение Бизнес-плана на 2004г. | 130539 |
| 9. | Утверждение аудитора Компании на 2004 г. | 130539 |

**Принятые решения:**

По 1 вопросу – Утвердить Отчет о результатах финансово-хозяйственной деятельности СП ОАО "Тошкент Таксофони".

Исполнительному органу принять меры к обеспечению безубыточной работы ОАО СП "Тошкент Таксофони" в 2004 г.

По 2 вопросу – Утвердить годовой отчет, бухгалтерский баланс за 2003г.

По 3 вопросу – Покрыть убытки в размере 136 тыс.сум. за счет нераспределенной прибыли прошлых лет.

По 4 вопросу — Признать работу прежнего состава удовлетворительной.

По 5 вопросу — Ежемесячное вознаграждение членам Наблюдательного совета сохранить в существующем размере, а вопрос дополнительного вознаграждения рассмотреть по итогам 2004 г.

По 6 вопросу — Утвердить изменения в Устав в связи с изменением наименования Компании.

По 7 вопросу — Утвердить г-на Меира Таля на должность Генерального директора Компании.

По 8 вопросу — Принять Бизнес-план Компании на 2004 г. за основу. Исполнительному органу доработать Бизнес-план с учетом замечаний и представить окончательный вариант на утверждение Наблюдательному совету.

По 9 вопросу — Утвердить в качестве аудитора Компании на 2004 г. аудиторскую фирму "AUDIT RUMANS"

## БАЛАНС по СП ОАО «Тошкент Таксофони» за 2003 год

(тыс.сум)

| АКТИВ | | ПАССИВ | |
|---|---|---|---|
| Долгосрочные активы | 237115,0 | Источники собственных средств | 193921,0 |
| Текущие активы | 306591,0 | Обязательства | 349785,0 |
| БАЛАНС | 543706,0 | | 543706,0 |

Нераспределенная прибыль – 171,0
Баланс подтвержден аудиторской фирмой "AUDIT-RUMANS".
Лицензия: серия АФ № 00482 от 03.10.2002г., выданная Минфином РУз.

## Отчет о прибылях и убытках за 2003 г.

(тыс.сум.)

| №№ п/п | Наименование показателей | Доходы | Расходы |
|---|---|---|---|
| 1. | Выручка | 191893 | |
| 2. | НДС | | 31982 |
| 3. | Чистая выручка | 159911 | |
| 4. | Производственная себестоимость от реализации продукции | | 95161 |
| 5. | Валовая прибыль от реализации | 64750 | |
| 6. | Расходы на реализацию | | |
| 7. | Административные расходы | | 16120 |
| 8. | Прочие операционные расходы и доходы | 7056 | 46831 |
| 9. | Расходы финансовой деятельности | | 2445 |
| 10. | Налог на прибыль и прочие отчисления | | 6546 |
| 11. | Чистая прибыль (убыток) отчетного периода | | 136 |

*Наблюдательный совет*

IQTISODIY SAVODXONLIK

# ИҚТИСОДИЙ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

**(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)**

**Мукофот (премия, вознаграждение, bonus, compensation, fee, gratification)** —Мукофот; рағбатлантириш; яхши ишлаганлиги учун мукофот бермоқ, мукофотламоқ.

**Мулк (владение, имущество, собственность, acres; demesne; command; domain)** — Бирорта нарсага, мулкка эгалик қилиш; эга бўлиш; мол-мулк; кўчмас мулк (уй; уй анжомлари). Мулкчилик; кишилар ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулини ўзлаштириш юзасидан пайдо бўлган мулкий муносабатлар. Мулкнинг объекти фуқаро яратган моддий ва маданий бойликлар, табиат бойликлари, интеллектуал меҳнат маҳсули ва меҳнат қобилияти ҳисобланади. Жамиятда мулк турли шаклларда намоён бўлиши мумкин: хусусий, жамоа, давлат, аралаш мулк ва ҳоказо.

**Муомала харажатлари (издержки обращения, expenses of circulation)** — Товар муомаласи жараёни билан боғлиқ бўлган барча харажатлар йиғиндиси. Соф муомала харажатлари ва муомаладаги унумли харажатларга бўлинади.

## Н

**Нарх, баҳо (цена, charge; cost; expense; price)** — Товар қийматининг пулда ифодаланиши; хўжалик механизмида амал қилувчи иқтисодий восита. Бозор шароитида нарх қиймат ўлчови, рағбатлантириш омили, даромадларни қайта тақсимлаш вазифаларини бажаради.

**Нафақа (пенсия, pension, retirement benefit)** — Фуқароларга маълум ёшга етганда, ногирон бўлиб қолганда, боқувчисини йўқотганда, кўп йиллик хизматлари учун давлат томонидан бериладиган доимий пул тўловлари.

**Нақд пулсиз оборот (безналичный денежный оборот, money turnover; clearing settlement)** — Пул оборотининг бир қисми бўлиб, унда пуллар ҳаракати ўзаро талаблар ҳисобига кредит муассасалардаги счётлар бўйича пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади ва бунда нақд пуллар ишлатилмайди.

**Негоциант (негоциант, negotiant)** — Бошқа мамлакатлар билан йирик савдо ишларини бажарувчи тижоратчи; улгуржи савдогар.

**Нетто (нетто, net)** — Ўралмаган ҳолдаги товарнинг соф оғирлиги; харажатларни чегирган ҳолдаги соф даромад.

**"Ниша" ("ниша", niche)** — Кучли рақобат учун кам бўлган ёки ҳеч ким эгалламаган товар ва хизматлар бозорининг бир қисми; корхонанинг молиявий ютуғини кафолатлайди.

**Номенклатура (номенклатура, nomenclature)** — Буюмлар, нарсалар, номлар рўйхати, масалан: счёт, товар номенклатураси.

**Номинал (номинал, nominal cost, nominal value, par)** — Товарда кўрсатилган нарх; пул бирлиги ёки қимматли қоғозга ёзиб қўйилган қиймати.

**Норматив (норматив, norm; standart; normal)** — Минимал талаб даражасида белгиланган, қурилиш ташкилотининг тўхтовсиз ишлашини таъминлайдиган пул кўринишидаги айланма маблағларининг режадаги миқдори.

**"Ноу-хау" ("Ноу-хау", know-how)** — Корхона ва ташкилотлар ҳамда ходимларнинг касбий фаолиятида амалий қўлланиладиган тажриба ва илмий, техник, ишлаб чиқариш, маъмурий, молиявий, тижорат характеридаги турли хил янги билимлар йиғиндиси; "Ноу-хау"дан фойдаланиш лицензия шартномаларини тузиш асосида амалга оширилади.

**(Давоми бор.)**

SPORT, SPORT, SPORT

FUTBOL

# ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ
## МАҒЛУБИЯТ "ҲАДЯ" ЭТДИ

**Германияда** бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг саралаш босқичида иштирок этаётган миллий терма жамоамиз ўтган шанба куни ўзининг ўртоқлик учрашувини ўтказди:

**Озарбайжон - Ўзбекистон - 3:1 (1:1)**

Голлар: Г.Гурбанов, 31 (1:0). З.Тожиев, 45 (1:1). И.Гурбанов, 64 (2:1). Э.Гулиев, 75 (3:1).

Ушбу учрашувдан бир кун аввал Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраётган ёшлар терма жамоамиз Озарбайжон олимпия терма жамоасига қарши майдонга тушди. Ёшларимиз ҳам ўзларидан каттароқ бўлган рақибларига имкониятни бой беришди: 1:0.

Эслатиб ўтамиз, 9 июн куни миллий терма жамоамиз ўз майдонида саралаш гуруҳида пешқадамлик қилаётган Фаластин терма жамоасини қабул қилади.

# ИТАЛИЯ ТАРКИБИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



**Италия терма жамоаси** бош мураббийи Жованни Трапаттони бир неча кундан сўнг Португалияда старт оладиган Европа чемпионатида иштирок этадиган ўйинчилар номини маълум қилди.

**Дарвозабонлар:** Буффон (1, "Ювентус"), Франческо Толдо (12, "Интер"), Анжело Перуцци (22, "Лацио").

**Ҳимоячилар:** Кристиан Пануччи (2, "Рома"), Фабио Каннаваро (5, "Интер"), Алессандро Неста (13, "Милан"), Жанлука Замбротта (19, "Ювентус"), Массимо Оддо (3, "Лацио"), Жузеппе Фавали (15, "Лацио"), Маттео Феррари (6, "Парма"), Марко Матерацци (23, "Интер").

**Ярим ҳимоячилар:** Стефано Фиоре (14, "Лацио"), Мауро Каморанези (16, "Ювентус"), Симоне Перротта (20, "Киево"), Кристиано Занетти (4, "Интер"), Женнаро Гаттузо (8, "Милан"), Пирло (21, "Милан").

**Ҳужумчилар:** Франческо Тотти (10, "Рома"), Кристиан Виери (9, "Интер"), Алессандро дел Пиеро (7, "Ювентус"), Бернардо Корради (11, "Лацио"), Марко ди Вайо (17, "Ювентус"), Антонио Кассано (18, "Рома").

PROFI-BOKS

# КОРРИ САНДЕРС
## ЯНА ИККИ ЖАНГ ЎТКАЗАДИ

**Жанубий африка**лик Корри Сандерс WBC йўналиши бўйича чемпионлик жангида Виталий Кличкодан мағлубиятга учраганидан сўнг, кўпчилик унинг фаолияти якунланиши мумкинлигини башорат қилган эди. Яқинда у "нафақа"га чиқишдан аввал камида яна икки жанг ўтказишини маълум қилди.

Сандерснинг айтишича, у WBA ёки WBC чемпионлиги учун рингга кўтарилиши мумкин экан. Айниқса, катта Кличко билан реванш жанги ўтказиш уни кўпроқ ўйлантирмоқда. Украиналик чемпион эса ўзининг навбатдаги рақиблари рўйхатига Сандерсни киритмаган.

# "КАМАЛАК" КРОССВОРДИ



**Энига:**

1. Буюк қомусий олим. "Минералогия" асари муаллифи. 4. Табиатнинг бетакрор мўъжизаларидан бири. 8. Чалкаш, нотўғри. 9. Ер қобиғининг ларзага келиши. 11. Мансаб, лавозим. 12. Ўрнак, намуна. 15. Отадек улуғ зот. 17. Отга баҳо берувчи. 20. Қизлар исми. 21. Жиззах вилоятидаги туман. 22. Республикамиздаги тоғ. 23. Ёғ чиқарадиган "тегирмон". 25. Дания пул бирлиги. 27. Типратиканнинг яна бир номи. 28. Обираҳмат. 33. Тахмин. 34. Бағри эзилган. 35. Республикамиз жанубидаги туман. 36. Судралиб юрувчи жонивор. 37. Хайрия жамғармаси.

**Бўйига:**

1. Достон ижрочиси, оқин. 2. Россия футбол жамоаси. 3. Шахсий муҳр. 5. Ижод маҳсули. 6. Цитрус ўсимлик. 7. Қувонч, шодлик белгиси. 10. Дарҳақиқат, аслида. 13. Тенг, тўғри. 14. Республикамиздаги вилоят. 15. "Тўрт улус тарихи" асари муаллифи. 16. Ҳўл мева. 18. Тартиб. 19. Қашқадарё вилоятидаги туман. 24. Кўкат. 25. Ёш дарахт, ниҳол. 26. Сўз туркуми. 29. Лирик асар тури. 30. Дурадгорлик асбоби. 31. Охир, якун. 32. Кир ювиш кукуни.

**Тузувчи: Рустам ЗОИРОВ**

**Газетамизнинг 21 (610)-сонида чоп этилган бошқотирма жавоби.**

**Энига:** 1. Макет. 3. Обида. 5. Зебра. 7. Суҳбат. 8. Биллур. 11. Мантиқ. 12. Боцман. 15. Асад. 16. Домкрат. 17. Анқо. 19. Сариқ. 20. Чашма. 24. Вазн. 25. Димлама. 26. Марс. 29. Омонат. 30. Чўпчак. 34. Луқмон. 35. Коврак. 36. Замон. 37. Девор. 38. Какао.

**Бўйига:** 1. Мақом. 2. Таҳсин. 3. Отар. 4. Аниқ. 5. Залвор. 6. Айрон. 7. Сандал. 9. Ремонт. 10. Марка. 13. Комедия. 14. Казарма. 15. Архив. 18. Олмос. 21. Азроил. 22. Елкан. 23. Каучук. 27. Талқин. 28. Кўприк. 29. Ошпаз. 31. Кусто. 32. Лорд. 33. Шоир.

*Baҳор. Борлиқни жийда гулининг ифори тутиб кетган. Аёл шўрликларнинг кўнгилларига таскин-тасалли берган нарса фақат шу эди. Ёлғиз Умригулгина ҳали урушнинг даҳшатларини тўла англаб етмаган, оиласи бағрида хушҳол, бахтиёр эди. Чунки ҳали Жонбўтани урушга олиб кетишмаган — ҳам хабарчи, ҳам ҳисобчилик қиларди, Жамиласи дастёрликка яраб, Қўчқоржоннинг тили чиқиб, гувраниб қолган. "Қанийди, уйда ўтирсам, болаларимни бағримга босиб. Ҳамиша тол соясидаги боғчага ташлаб, жон хавотирда ер чопиш қанчалар ёқимсиз-а, кетмон қурғур ҳам кундан-кунга зил-замбил бўлиб кетяпти", ўй сурарди Умригул.*

XOTIRA MUQADDAS,
XOTIRA AZIZ

# ЖИЙДА ГУЛЛАГАНДА

Бир пайт уни кимдир чақиргандай бўлди.

— Қара, Жонбўтангнинг келишини қара. Бамисоли қуш, учиб келяпти. Силласи қуриган аёлларнинг барчаси бироз ором олиб, чалғишга баҳона топилганидан мамнун кетмонларига суянганча, Жонбўта келаётган томонга термулиб қолишди. Уларнинг нигоҳларидан киши билмас ҳасад ва ҳавас қоришиқ аллақандай маънони англаш қийин эмасди.

— Ҳой, Умригул, эринг ўзига зоғора, сенга буғдой унидан қотирма пишираркан-а?

— Замона тинч бўлганда сени сира ҳам ишлатмасдим, деркан-а? Шу ростми?

— Рост, — дерди Умригул уларнинг самимий, носамимий гапларидаги оҳангга парво қилмай.

— Ҳорманглар, — деди етиб келган Жонбўта ва қўлидагини хотинига тутди. — Тушлигингга.

— Вой, қотирма! Буғдой унидан! Қаердан олдингиз?

— Опам берди. Озгина бекитгани бор экан. Сени яхши овқатланиши керак, деяпти.

Кетишга чоғланаркан Жонбўта Умригулнинг дағал, қоп-қорайиб кетган очиқ қўлларига бир қараб олди. — Болалардан хабар олгач, идорага бориб келаман, — деди-ю, шахдам қадамлар билан йироқлашиб кетди.

Бу унутилмас дақиқалар Умригулнинг ҳаётидаги энг гўзал хотиралардан бири бўлиб қолаверди...

— Бир куни туш кўрдим, — ҳикоя қилади момо. — Эшигимиз ёнига машина келиб тўхтади. Тинчликмикан, деб шошиб ташқарига чиқдим. Машинанинг кузови тўла эркак. Ораларида Жонбўта ҳам турибди. "Вой яхшилар, Худо ярлақагурлар, илтимос, бирпас кутиб турингглар", дедимда, уйдан иккита нон олиб чиқиб, нима деярини билмай турган Жонбўтамга узатдим. У бўлса дарҳол нонниннг биттасини ўзимга қайтариб берди. Аммо ёнгинасида турган шериги нонни унинг қўлидан шартта тортиб олса бўладими?!

Мен эса қўлларимни узатган кўйи қолаверибман... Яхшиям тушим экан, деймман ўзимча тушнинг таъбирини билолмасам-да. Кейин тушимни оқизмай-томизмай опамга айтиб бердим. У, турган гапки, тушимни яхшиликка йўйди. "Ажойиб туш кўрибсан, нон ризқ-рўз. Ҳайтовур, Жонбўта нонни олиб кетибди-ку".

Шундан уч кун ўтгач, 1942 йилнинг 10 сентябрида "Болаларни сенга, сени Худога топширдим, — деди-да урушга жўнади. Жамилам олти ёшда эди. Дод солиб, ортидан югурди. Болагинамни уйимиздан икки чақиримча наридаги эски мактабнинг ёнидан кўтариб олиб келишди. Қайноғам Зулфиқаҳҳор уни поездга чиқариб қайтгач, уйимизнинг ёнидан бизга учрамай ўтиб кетибди. Опам "Зулфиқаҳҳор бизга учрамади-я!", деб йиғлаб юборди. Мен ҳам тўйиб-тўйиб йиғладим. Аслида кирганда бизнинг кўз ёшларга тоб беролмасди. Эҳтимол, у ҳам йиғлагандир. Қизарган, шишинқираган кўзларини кўришимизни истамагандир...

Умригул момо эридан сўнгги бор ярадор бўлиб, госпиталда даволаниб чиққани, поездда фронтга кетишаётгани ҳақидаги мактубни олган, холос. Жонбўтасидан бошқа ҳеч қандай хабар бўлмади. У "жангоҳда ҳалок бўлгандир", деган шубҳани ҳамиша ўзидан қувиб яшади. Ахир, "қора хат" келмаганку!

— Яқинда рўзаи рамазон кунларида яна тушимга аралашди, — деганди ўшанда момо. — Ўша вақтларда қандай бўлса, шундай ёш эмиш. "Тур. Онаси, ош дам еди. Саҳарлигингни қилиб ол", деб уйғотяпти. Мени шунчалар авайлаган-а! Армон билан ўтсин, мени ўйлаб ўтсин, деганимикин. Сира тиними йўқ эди унинг. Ғайрати ичига сиғмасди. 39-йилдан то урушга кетгунча ҳам Катта Фарғона каналига қатнаб ишлаб юрди. Оқшомлари, ҳатто тунлари ҳам ой ёруғида экин-тикин чопиб, суғориб юрганлари кўз ўнгимдан кетмайди. Тушимга кириб қолади. Чолим тирик, шекилли...

Ҳар баҳор жийда гули ифоридан яйраганимда, момонинг нурли чеҳраси кўз ўнгимдан ўтади, унинг суҳбатлари сира ёдимдан кетмайди.

Жафокаш аёл. Урушдан илгари тикланиш йиллари не-не заҳматлар чекмади. Катта Фарғона канали қурилишида иштирок этди. Олма, беда еб кун кўрганларини унутолмади. Ҳатто, кунжара ейишга зор бўлганларни, очликдан шишиб ўлганларни тез-тез ёд олиб турди. У диёнатли қайноғаси ёрдамида фарзандларини тарбиялаб, вояга етказди. Жамила опа, Қўчқор ака, Холмирза акалар ҳам амакилари сингари оқибатли инсонлар бўлиб етишишди. Чунки момо фарзандлари то эсини танигунча "Амакингни унутсаларинг, Худони унутган бўласизлар", дейишни канда қилмаган экан.

Бугун Умригул момо орамизда йўқ. Уч болани оқ ювиб, оқ тараб, бир ўзи камолга етказган, умрининг то сўнгги дақиқаларигача турмуш ўртоғининг йўлларига зор-зор кўз тиккан момонинг азиз сиймоси фарзандлари, найманликлар хотирасида яшамокда.

**Ҳафиза САЛЯҲОВА,**
**Кувасой шаҳри, Найман қишлоғи**

AJIB DUNYO

## КОИНОТДАН КЕЛАЁТГАН НУРЛАР

**Космик нурлар** бундан 90 йиллар муқаддам немис физиги В.Гесснинг илмий тадқиқотлари натижасида очилган бўлиб, ўшангача маълум эмасди. Фазодан келаётганлиги сабабли улар космик нурлар деб аталган.

Олимлар космик нурларнинг табиати ва таркибини ўрганиш борасида кўп тадқиқотлар олиб боришди. Аниқланишича, бу нурлар таркибида ҳатто темирнинг кўп зарядли ядроси ҳам бор экан. Бинобарин, бошланғич космик нурлар қуёш нурларига ўхшамаган бўлиб, водород ва турли элементларнинг ядролари ҳамда нейтринолардан иборат. Коинотдан космик нурларнинг жуда оз қисми, тахминан, бир фоизигина Ер юзасига етиб келади.

## ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ҚУДРАТИ

**Қуёш энергияси**нинг манбаини аниқлаш қадимдан олимларни қизиқтириб келган. Машҳур тадқиқотчи Эйнштейннинг нисбийлик назарияси яратилганидан кейингина бу масалани ҳал қилиш имкони туғилди.

Мазкур назарияга биноан, модда билан энергия материянинг ҳар турли кўринишларидир. Маълум шароитда модда энергияга ва аксинча, энергия моддага айлана олади.

Агар бир грамм модда энергияга айланса, у 22,5 миллиард килокалория иссиқлик бериши мумкин. Бунча иссиқликни биз юқори калорияли 3000 тонна тошкўмирни ёққандагина ҳосил қилишимиз мумкин.

**Акбар АЛИЕВ**
**тайёрлади**

## АНТИҚА ГАПЛАР

*Ишхонадаги икир-чикир юмушлар Шермат акани тажангроқ қилиб қўйди. "Эсоннинг аламини Мусодан олади" дегандай, идорада бўлар-бўлмасга шовқин соладиган, "сиз"лаганни хушлаб, "сен"лаганни муштлайдиган бўлиб қолди.*

**(Котибанинг дугонасига арзи)**

*Кўчанинг ўртасида кўкракни кериб юрмаган йигит йигитми? Бўйнида иллати бор одамгина елкасини қисиб юради...*

**(Қариянинг ёшларга насиҳати)**

*Биз у кишининг одатини яхши билганимиз учун бир ошлик масаллиқни ҳамиша милтиқдай ўқлаб қўямиз...*

**(Шогирднинг ошнасига дегани)**

*Мен орден олмасимдан бурун саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи синфларда дарс берар эдим. Ҳозир тўртинчи синфдан нарига ўтолмай қолдим.*

**(Кекса муаллимнинг ҳасрати)**

*"Эр тепганни эл тепади" дегани шудир-да, энди милиционерлардан ҳам сўкиш эшитадиган бўлиб қолдик.*

**(Улфатлар гурунгидан)**

*Мен бу гапни тангадай қилиб айтдим, сиз бўлсангиз ғалвирдай қилиб айтар эдингиз!...*

**(Келиннинг эътирози)**

*Беш йил ишласа, дарров "олий тоифали ходим" унвонини беришади. Мен бечора эллик йилдан буён мунтазам ичаман. Нега менга ҳеч вақо йўқ! Ҳақиқат борми ўзи бу дунёда?!.. Эҳ, аттанг, қорнимга эмас, қадримга йиғлайман...*

**(Машҳур ароқхўрнинг шикояти)**

***Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ тайёрлади***


## ТАБРИКЛАЙМИЗ!



*Қашқадарё вилояти радиоалоқа ва телевидение узатиш маркази жамоаси марказ бошлиғи*

***Ҳасан САТТОРОВ**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳатлик, оиласига тотувлик ва ишларида омад ёр бўлишини тилайди.*

*"Бухоро Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиал директори*

***Шариф ХУДОЙБЕРДИЕВ**ни туғилган куни билан табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, келгусидаги ишларида янги муваффақиятлар тилайди.*

*"Сурхондарё Телеком" филиали Шеробод телекоммуникациялар боғламаси жамоаси корхона телефончиси*

***Рўзигул ЧОРИЕВА**ни 50 ёшга тўлганлиги муносабати билан муборакбод этади. Унга соғлиқ, боқий умр, тинчлик-хотиржамлик ва ишларида омад тилаб қолади.*



**МУАССИС:** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:** Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал — t.*
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42. **E-mail:** orif@infonet.uz.
Нашр кўрсаткичи — 227; 228.
Жума кунлари чиқади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

769-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 6625 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ.
Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топшириш вақти — 20.00.